



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 31 [14.082]

Баҳоси эркин нарҳда

ЭНГ КАТТА МАҚСАДИМИЗ – ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИГА ҚУВОНЧ ОЛИБ КИРИШ

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 февраль кунни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Мирзо Улуғбек тумани Авайхон маҳалласида бунёд этилаётган кўп қаватли уй-жойларни кўздан кечирди.

Бу ерда жами 1 минг 120 та хонадондан иборат 17 та кўп қаватли уйлар қурилиши лойиҳалаштирилган. Бугунги кунда 5 та турар жой қад ростлаб, икки пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Президентимиз хонадонлардан бирини кириб кўрди, уйларнинг қурилиш технологияси ва энергия тежамкорлигига эътибор қаратди.

Ташқи деворлар базалти материал билан қопланган об-ҳаво таъсирини камайтириб, хонадонларнинг қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишини таъминлайди. Яна бир самарали томони – бу тўлиқ маҳаллийлаштирилган маҳсулот.

Давлатимиз раҳбари маҳаллий материалларни кўпроқ ишлатиб, уйларнинг нарҳини арзон қилиш, уларни турли соҳа вакиллари билан бирга кам таъминланганларга ҳам ажратиш бўйича кўрсатмалар берди. Кредит мuddатини узайтириш, ижарага бериш орқали камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш муҳимлигини таъкидлади.

– Шаҳарларда одамлар коммунал хизматлар сифатсизлигидан норози. Биноларни эксплуатация қиладиган барқарор ташкилотлар, малакали кадрлар етишмайди. Янги объектлар эски тармоқларга улаб қўйилади. Бутун квартал бирданига узокдаги станциядан иситилади. Аслида, ақл билан иш қилинса, коммунал тўловларни 50 фоизгача арзонлаштириш мумкин, – деди Шавкат Мирзиёев.

Янги мавзеда автоном иссиқлик станцияси қуриш, иморатларни эксплуатация қиладиган ва сифатли хизмат кўрсатадиган замонавий ширкат ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Худудда яна бир неча 9, 16 ва битта 25 қаватли турар жой барпо этилиши режалаштирилган. Лойиҳада замонавий қурилиш нормалари билан бирга миллий кадрларнинг, юрткич қўшимча қўйимлари учун қўлайлик ҳам инобатга олинган. Барча уйларни 2020 йил сентябрда фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Шунингдек, мактаб, болалар боғчаси, дам олиш ва спорт майдончалари, болалар ўйингоҳлари, кўп қаватли автотураргоҳ барпо этилиши лойиҳалаштирилган.

Бугунги кунда Тошкентнинг sanoat, transit-логистика, инфраузилма имкониятлардан самарали фойдаланиш, юрткич қўшимча қўйимлари эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент механика заводининг улкан худуди ва биноларидан самарали фойдаланиш мақсадида ташкил этилган Технопарк ана шундай sanoat худудларидан. Давлатимиз раҳбари ўтган йили 28 июнда бу ерга келиб, лойиҳалар тақдими билан танишганди.

Технопаркда 2020-2021 йилларда умумий қиймати 393 миллион доллардан зиёд бўлган 15 та корхона ишга тушириш мўлжалланган. Уларда кир ювиш машиналари, ошхона плиталари, совуткич ва музлаткичлар, sanoat кондиционерлари, лифт ва эскалаторлар, электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Бу ерда зарур муҳандислик-коммуникация тармоқлари мавжуд. Тадбиркорларга қўлайлик яратиш мақсадида логистика маркази ташкил этилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш даражаси 35–40 фоиз бўлади. Шунингдек, йилга 186 миллион долларлик экспорт қилиш режалаштирилган.

Президентимиз Технопарк худудига ишга туширилган илк лойиҳа – электрон газ ҳисоблагичлар корхонаси фаолияти билан танишди, маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

50 миллион доллар инвестиция ҳисобига ташкил этилган корхонада йилга 3 миллион донга электрон газ ҳисоблагич тайёрланади. Бу “ақли” ҳисоблагичларга сим-карта ўрнатилган бўлиб, ишлатилган табиий газ ҳажми ҳақидаги маълумотни онлайн режимда марказий серверга узатади. Шу тариқа ҳисоблашда биллинг тизими жорий этилади ва инсон омилли қисқаради.

Ушбу ҳисоблагичлар хавфсизлик жиҳатидан ҳам қўлай. Уларга ўрнатилган мейёр ускунаси орқича газ босимини пасайтириб, истеъмолчига бир хилда етказиб беради. Бу орқали аҳоли хонадонлари ва иншоотларда ёнғин ёки газдан захарланиш каби кўнгилсиз ҳолатларнинг олди олинади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 3,5 миллион донга электрон газ ҳисоблагичга эҳтиёж мавжуд. Корхона ушбу эҳтиёжни бир йилда қоплаб, келгуси йилдан 7,7 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш қувватига эга. Бунинг учун корхона ҳамкори – Италиянинг “Petro Fiorentini” компанияси билан тегишли шартнома тузилган.

Давлатимиз раҳбари корхона фақат сотиш билан чекланиб қолмай, ҳисоблагичларни ўрнатишдан тортиб хизмат кўрсатишга ҳам маъсул бўлиши, эксплуатацияга жавоб бериши кераклигини таъкидлади.

– Хар бир ишлаб чиқаришга киришишдан олдин стандартни ўйлаш керак. Малакали сервис учун ҳам, экспорт учун ҳам стандарт зарур. Афсуски, биз бу соҳада дунёдан анча орт-

да қолдик. Жойларда стандарт кафолатини таъминлайдиган кадрлар жуда кам. Шунинг учун мана шундай sanoat корхоналарнинг ўзида сервис бўйича мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш керак, – деди Президент.

Корхонанинг сервис маркази фаолияти ҳақида маълумот берилди. Бу марказ корхона ва “Худудгазтаъминот” акциядорлик жамияти билан узвий ишлайди. Жорий йилда “Худудгазтаъминот” томонидан 3 миллион 480 минг донга ҳисоблагич ўрнатиш режалаштирилган. Бу ишни ташкил этишда Технопарк сервис марказининг жойлардаги 15 та филиали кўмаклашади. Ҳозирги кунда ушбу филиалларда 150 мутахассис меҳнат қилмоқда. Битта ишчи бир кунда 30 та газ ҳисоблагич ускунаси тўғри ўрнатилганини текшириб, кафолат мuddатини беради.

Сервис марказидаги ягона алоқа бўлимида мижозлар мурожаатларига жавоб қайтарилди. Битта оператор кунига 60 тагача кўнгироқни қабул қилади. Сервис марказига ишлаб чиқилган “Техноsoft” дастурий маҳсулоти орқали ўрнатилган газ ҳисоблагичлар сони, тўғри ўрнатилгани назорат қилиб борилади. “Техноsoft” ҳисоблагичларга кафолат мuddатини бериш учун аризаларни мутахассисларга тақсимлайди, мижозларга хизмат кўрсатади.

Президентимиз корхона ишлаб чиқарган газ ҳисоблагичлар сифатига жавоб бериши, сервис маркази корхона – “Худудгазтаъминот” – мижоз ўртасида боғлиқлиқни таъминлаш лозимлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Технопаркда амалга оширилаётган галдаги лойиҳалар, ишлаб чиқарилиши режалаштирилган sanoat маҳсулотлари билан ҳам танишди.

Шавкат Мирзиёев Яшнобод туманидаги Мудофаа вазирлигига қарашли Маънавият ва маърифат марказини бориб кўрди.

Бу марказ биноси 1980 йилда қурилган. Ҳозирда унда Куролли Кучлар ансамбли, Марказий харбий оркестр, “Турон” давлат харбий театри, бичиш-тиқиш корхонаси ва болалар тўғрақарлари жойлашган. Лекин имкониятлардан тўла фойдаланилмаётган эди.

Президент марказ биносини реконструкция қилиб, ундан мақсадли фойдаланиш, давлат-хусусий шериклик асосида кўнгилочар маскан ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Бу ерда концертлар, байрам тадбирлари ўтказилади. Атроф ободонлаштирилиб, тадбиркорлар иштирокида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари шу ердаги Авиасозлар спорт мажмуасини ҳам кириб кўрди. Унинг худудини ободонлаштириш, спортсевадари қўлайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизларни касбга қайта тайёрлаш учун зарур шароит яратилмоқда.

Яшнобод туманида 2019 йил сентябрь ойида фаолият бошлаган “Ишга марҳамат” моно-маркази ана шундай муассасалардан бири. Унда қурилиш, маиший хизмат, техник-муҳандислик каби соҳалар бўйича 22 та касбга ўргатиш йўлга қўйилган. Бунинг учун зарур станоклар, мебель, муляж ва бошқа амалиёт воситалари келтириб ўрнатилган. Марказ йилга 5 минг 600 кишини ўқитиш имкониятига эга.

Бу ерга келган одамга аввал бандлик масалалари бўйича маслаҳат хизмати кўрсатилади. Доимий ишга эга бўлмаса, бўш иш ўринлари тақдиф этилади. Ижтимоий ҳиммага муҳтож мурожаатчилар доимий квотали иш билан таъминланиши ҳам мумкин.

Касбий малака талаб этиладиган ишни танланганлар шу ердаги ўқув курсига жалб қилинади. Бошқа мамлакатда ишлаш истагини билдирган фуқароларга бу борадаги қўшимча ва хорижий тиллар ўргатилади.

Марказда инглиз, япон, хитой, корей ва рус тилларини ўқитиш бўйича қисқа мuddатли курслар фаолият юритмоқда. Хорижадаги бир қатор олий ўқув юртлири, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Бу ерга ўтган 5 ойда 550 дан зиёд фуқаро мурожаат қилган. Уларнинг асосий қисmini хотин-қизлар ва ёшлар ташкил этган. 267 фуқаро ўқинишни битириб, сертификат олган.

Президентимиз марказда яратилган шароитлар билан танишди, уста ва касб ўрганаётган ёшлар билан суҳбатлашди.

Бундай марказлар одамларнинг талаб бор касбларни тезда ўрганиб, ўз ишини топиши учун жуда муҳимлигини, бўш турган коллеж ва бошқа биноларни таъмирлаб, Тошкент шаҳрининг ҳар бир тумани ва барча вилоятларда шундай муассасалар ташкил этиш лозимлигини таъкидлади.

Касб-хунар йўналишларини шу ихтисосликдаги ўқув юртлирига бириктириб, юрткич малакали ўқитувчиларни жалб этиш, шунингдек, кечки сабоқларни ҳам йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Яшнобод тумани раҳбарлари, маҳалла раислари, тадбиркорлар, мактаб ва соғлиқни сақлаш муассасалари вакиллари билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари тумани обод ва осойишта, намунали худудга айлантириш, янги иш ўрин-

лари яратиш, камбағалликка барҳам бериш, таълим сифатини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тинчлиқни таъминлаш борасида бир қатор ташаббусларини айтди, топшириқлар берди.

– Сизлар билан, халқ орасида юриб, ислохотларимизни амалга ошираётган одамлар билан суҳбат қилиб, мавжуд муаммо ва масалаларни очик-ойдин муҳокама қилгани келдим. Шунинг учун ёдланган гапларни гапирмасдан, кўпроқ савол бериб, таклифларингизни айтсангизлар хурсанд бўламан, – деди Шавкат Мирзиёев.

Тумандаги 58 маҳаллада 240 минг аҳоли истиқомат қилади. 8 мингдан зиёд фуқаро ишсиз, 10 минг одам ишлаш мақсадида бошқа давлатларга кетган. Демак, Яшнободнинг 18 мингдан зиёд аҳолисига муносиб иш керак.

Давлатимиз раҳбари туманда ишсизликнинг олдини олиш, камбағалликка барҳам бериш мақсадида “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш ҳақида топшириқ берди.

– Бир инсоннинг оғирини енгил қилиш Худода ҳам ёқадди. Камбағал кишининг ҳам фарзанди бор, ҳаётдан умиди бор. Шунча йил бу ҳақда гапирмадик, яшириб келдик. Энди бунга барҳам берилик. Камбағалликни йўқотайлик, – деди Президентимиз.

Бунинг учун, аввало, ёшларни бирон касб эгаси қилиб вояга етказиш, янги иш ўринларини кўпайтириш, Яшнобод туманидаги банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи “Ишга марҳамат” моно-маркази шаклидаги марказларни барча туманларда очиб ҳақида фикр билдирилди. Туман ҳокимлари ва бошқа дахлдор ташкилотлар раҳбарларига қисқа вақтда коллежларда маҳалла ёшларини кечки сменада касб-хунарга ўқитиш курсларини жорий этиш ҳақида топшириқ берилди.

Давлатимиз раҳбари касб-хунар эгаллаган ёшларнинг иш умумдорлиги, оиласига, иқтисодий тиричилигига фойдаси ҳақида гапирди. Таъкидланганидек, саноатни ривожлантиришда ёшлар кучидан фойдаланиш керак. Бунинг учун улар замонавий дастгоҳларда ишлашни билиши талаб этилади. Шунда уларнинг олий маоши ҳам ошади.

Давлатимиз раҳбари соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида муҳим роляларни айтиб, яна бир муаммо аҳолининг соғлом овқатланиш меъёруларига амал қилмаслигидан эканини таъкидлади.

Нуронийларга, оилавий поликлиника шифокорларига маҳалларда кенг тарғибот ишларини олиб бориш вазифаси топширилди. Кўпроқ пивёда юриш ва бу борада Яшнобод тумани тажрибасини жорий қилиш таклифи билдирилди.

Учрашувда маҳалла ва оила тизимидаги уйғун ислохотлар, жумладан, янги ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолияти ҳақида сўз борди. Жиноят содир этилишининг олдини олиш, ишсизликка, камбағалликка барҳам беришда маҳалланинг роли муҳимлиги таъкидланди.

– Президент сиёсатининг энг катта замини бу – маҳалла тизими. Шу боис маҳалла раиси ва профликтика инспекторларини мажлисларга чакирмаймиз, керак бўлса маҳаллага келиб мажлис қилинади, – деди давлатимиз раҳбари.

Оилавий тизимларга, ажрашишларга қарши курашни кучайтириш кераклиги ҳақида гап борар экан, эндиликда эр-хотини ажратишда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг руҳсати олинмиши шартлиги айтилди. Бу борада тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш бўйича топшириқ берилди.

Шавкат Мирзиёев учрашувда Яшнобод тумани мисолида давлат бошқаруви тизимига ўзгартириш киритиш ҳақида фикр билдирди. Шунингдек, камбағалликни камайтириш бўйича Сирдарё вилоятининг Боёвут ва пойтахтимизнинг Яшнобод тумани намуна бўлиши кераклигини айтди.

Бунда асосий эътибор кам таъминланган оилалар билан ишлаш, хотин-қизлар муаммоларига ечим топиш, бандликни таъминлаш, маҳаллардаги соғлом муҳитни мустаҳкамлашга қаратилди.

– Ишлаган одамга жамият эътибор қаратадиган замон келди. Тинчлигимизнинг қадрига етиб, пок ва ҳалол бўлиб ҳаракат қилсак, албатта натижа бўлади. Эртанги кунимизга бефарқ бўлмайлик. Яшнобод ўз номига муносиб яшнаб туриши, қуйи тизимда ишни ташкил қилиш бўйича намуна бўлиши керак, – деди Президентимиз.

Бугун Тошкент пойтахт мақомига муносиб ривожланмоқда. Ислохотлар ҳалқимиз ҳаётида аксини топмоқда. Одамларимиз кайфияти ҳам шунга монанд – кўтаринки. Тараққиёт эса давом этади. Бу йўлда давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари, топшириқлари, ташаббуслари муҳим дастуриламал бўлиши шубҳасиз.

Матназар ЭЛМУРОДОВ, Зийёдулла ЖОНИБЕКОВ, Улуғбек АСРОРОВ, УзА мухбирлари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Аввал хабар берилганидек, 2020 йил 28 февраль кунни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Нарбоева олиб борди.

Ялпи мажлисда Сенат аъзолари томонидан ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ соҳаларида ислохотларни изчил давом эттириш, маҳалла ва оила институтини мустаҳкамлаш, бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бир қатор қонун ҳужжатлари ва муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Ялпи мажлис иши Олий Мажлис Сенатининг веб-сайтида ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида тўғридан-тўғри намоиш этилди.

Сенат аъзолари янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилишди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 24 январь кунини парламентга йўллаган Мурожаатномасида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасида муҳим қадам қўйиш ва мамлакатимизда узоқ вақтдан бери яшаб келган, бироқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси мақомига олмаган юртдошларимиз муаммоларини қонунга мувофиқ ҳал этиш юзасидан ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар қўриш зарурлигини қайд этди. 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан бунён истиқомат қилаётган шахсларга Ўзбекистон фуқаролигини автоматик тарзда бериш таклиф этилди. Бу 50 мингга яқин юртдошларимизнинг ҳаётидаги энг жиддий муаммо ҳисобланади.

Қонуннинг амалдаги таҳрири 28 йил аввал қабул қилинганлиги ва унинг деярли барча нормалари эскириб, замон талабларига жавоб бермай қўйганлиги таъкидланди. Қонунда фуқаролик соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунчилик базасини яратиш, шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш ва бекор қилиш борасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизmlарини мустаҳкамлаш назарда тутилган.

Қонун билан мустаҳкамланаётган янги нормалар ҳақида сўз борганда Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари бўйича комиссиянинг мақоми, асосий вазифалари ва ваколатлари белгилаб қўйилганлиги қайд этилди. Бундан ташқари, фуқаролик жойи ёки ота-онанинг тўғри қаролиги бўйича болаларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини белгилаш тартиби мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларини кўриб чиқишда идораларор элекрон ҳамкорлик механизmlари назарда тутилган.

Сўзга чиққанлар қонун қабул қилиниши билан соҳага доир қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти бир хилда бўлиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилиниши таъминланишига хизмат қилишини таъкидлади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра парламентнинг ҳокори палатаси аъзолари “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқди.

Қонунда аҳолини рўйхатга олишнинг асосий вазифалари белгиланмоқда. Оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида аҳоли таркибидаги, демография вазиятидаги ўзгаришларни баҳолашга

доир маълумотлар базасини кенгайтириш, аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болалар учун шарт-шароитларни яхшилаш, шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг, меҳнат ресурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланишнинг узоқ, ўрта ва қисқа мuddатли прогнозлари ҳамда дастурларини тайёрлаш кабилар шулар жумласидан.

Аҳолини рўйхатга олиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси, аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари, уларнинг бу соҳадаги ваколатлари очиб берилади.

Шу билан бирга, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳолини рўйхатга олишдаги иштироки назарда тутилмоқда, шунингдек, респондентлар ва рўйхатга олувчи ходимларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари очиб берилмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, қонун қабул қилиниши халқоро стандартларга жавоб берадиган, аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги муносабатларни тизимли ва комплекс тартибга соладиган мослашувчан ва очик-ошдира ҳуқуқий доираларни яратиши давом эттиришига ҳамда бир қатор долзарб вазифаларни бажаришга кўмаклашади. Жумладан, аҳоли таркибида юз берган глобал ўзгаришларни баҳолаш, демография сиёсатини, одамлар саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болалар ҳолатини яхшилаш, шунингдек, Барқарор тараққиёт миллий мақсадларини шакллантириш ва мониторинг қилиш каби вазифаларни бажариш таъминланади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар янги таҳрирдаги “Метрология тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқди.

“Метрология тўғрисида”ги амалдаги қонуннинг кейинги моддалари бир хилда талқин қилинишини таъминлаш учун асосий тушунчалар “давлат метрология хизмати”, “метрология қузуватчанлик”, “ўлчалар аниқлигининг кўрсаткичи” каби терминлар билан тўлдирилмоқда. Бундай терминлар киритилиши билан “ўлчаш воситаларини қиёслаш” ва “метрология хизмати” терминларининг таърифи ўзгартирилмоқда.

Бундан ташқари, ўлчаш бирлигини таъминлаш соҳасида фаолият олиб бораётган субъектлар, хусусан, давлат метрология хизмати, давлат бошқаруви органларининг метрология хизматлари ва юридик шахслар метрология хизматлари томонидан метрология назоратини ўтказиш ҳуқуқлари белгиланмоқда. Шунингдек, алоҳида моддаларда метрология хизматларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мустаҳкамланди.

Қонунда ўлчаларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга оид норматив ҳужжатлар турларининг қуйидаги рўйхати белгиланмоқда: ўлчаш воситаларини қиёслаш услуби; ўлчаш воситаларини калибрлаш услуби; ўлчаларнинг бажариш услуби; синов воситаларини аттестация қилиш услуби.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сенаторлар томонидан таъкидланганидек, қонун қабул қилиниши ўлчашнинг ишонсиз натижалари вужудга келишининг ва амалда қўлланилишининг олдини олиш орқали фуқаролар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ўлчаш бирлигини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш самарадорлигини оширишга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар “Халқро тижорат арбитражи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқди.

Қайд этилганидек, иқтисодий таъминнинг глобаллашуви тез суръатлар билан ривожланаётган, ҳўжаликлари, давлатлараро алоқалар ривожланаётган ҳамда минтақавий ва халқро даражаларда қонунчилик бирхиллаштирилаётган бир шароитда ҳам миллий, ҳам халқро даражада бозор муносабатларининг асосий элементларидан бири ҳисобланган халқро арбитраж тижорат низоларини ҳал этишининг муқобили, суддан ташқари шакли сифатида тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Шуларни инобатга олиб, мақзуру қонун зарурати бир қатор омиллар билан асосланган. Ўзбекистон Республикасида халқро тижорат арбитраж судларининг фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш тартибини ҳуқуқий тартибга солиш, улар фаолиятининг асосий принципларини белгилаш, хорижий инвесторлар, шунингдек, миллий компанияларни чет эллик ҳамкорлар билан ўзаро муносабатларида уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш каби омиллар шулар жумласидан.

Бироқ сенаторлар таъкидлаганидек, қонунда қатор концептуал камчиликлар мавжуд. Масалан, қонуннинг 3-моддасида унинг қўлланилиши соҳаси белгиланган бўлса-да, халқро тижорат арбитражи тушунчаси ва таъминлири очиб берилмаган.

Шунингдек, 6-моддада қонуннинг қўлланилиш соҳасини батафсил изоҳлаш ўрнига ҳал қилиш учун халқро тижорат арбитражи топширилиши мумкин бўлган низолар санаб ўтилган. Сенаторларнинг фикрича, ушбу нормада халқро тижорат арбитражи кўриб чиқиши мумкин бўлган низо предмети тўлиқ ёритилмаган. Бу ва бошқа камчиликлар тўғрисида қонунни жиддий тақомиллаштириш зарурлиги таъкидланди. Қонун сенаторлар томонидан рад этилди.

Сўнгра Олий Мажлис Сенати аъзолари “Маҳалла тизими ҳодимлари қонунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқди.

Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралда қабул қилинган “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитини соғломлаштириш, маҳалла институтини янада кўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилганлиги таъкидланди.

Қонун билан 22 март “Маҳалла тизими ҳодимлари қони” этиб белгиланмоқда. Сўзга чиққанлар қайд этганидек, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий-маънавий муҳитини соғломлаштиришда маҳалла институтининг роли катта. Ўртимизнинг бой тарихи билан чамбарчас боғлиқ бу ўзига хос институтнинг маънавий янада оширишда маҳалла тизими ҳодимлари фаолияти жамиятда муҳим аҳамиятга эга. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра қорони палата аъзолари “Бола ҳуқуқларининг қўшимча қаролатлари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, қонун Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари қаролатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция талабларини ҳар томонлама ҳаёта татбиқ этиш соҳасидаги муносабатларини тартибга солишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига, Фуқаролик процессуал кодексига, “Бола ҳуқуқларининг қаролатлари тўғрисида”ги, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Жумладан, Оила кодексига киритилаётган қўшимчаларда оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бу ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга ҳақли эканлиги назарда тутилмоқда.

Бунда қарор қабул қилишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар боланинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъий назар, кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устувор манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиши керак. Ота-она ва бола алоҳида-алоҳида яшаган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органлари, шунингдек, ўн тўрт ёшга тулган бола бир вақтинч ўзида ота ва онадан вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш тўғрисида давво кўзгастириш ҳақли.

Шунингдек, “Бола ҳуқуқларининг қаролатлари тўғрисида”ги қонунга ўзгартишлар киритилиб, унга кўра боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар боланга таъминот, тарбия ва таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органга, шунингдек, бошқа давлат органларига маъмурий равишда мурожаат қилишга ҳақли. Бундай мурожаатлари бола тўлиқ муомала лаёқати эга бўлмаганлиги сабабли кўриб чиқмасдан қондиришга йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида”ги қонун янги модда билан тўлиқрилик, унга мувофиқ, вояга етмаган шахслар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши масалалари юзасидан давлат органларига, таъминотларга ёки уларнинг мансабдор шахсларига ушбу қонунда белгиланган тартибда мустақил равишда мурожаат беришга ҳақли.

Қонун билан Фуқаролик процессуал кодексига ҳам тегишли ўзгартишлар киритилмоқда. Бунга кўра вояга етмаган, яъни ёши ўн тўртдан ўн саккизгача бўлган фуқароларнинг, шунингдек, муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар томонидан ҳимоя қилинади. Аммо бу ҳол вояга етмаганларни ва муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларни бундай ишларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Сенаторлар мақзуру қонун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган бола ҳуқуқлари қаролатларини таъминлашга кўмаклашишни таъкидладилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Шундан кейин сенаторлар “Суд ишларини юритиш тартиби тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, мақзуру қонун Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги, “Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғриси-

да”ги қонунлари, Солиқ кодекси, шунингдек, Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси ва Маъмурий суд ижрочилиги тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонундаги нормалар ишларни судьялар ўртасида тақсимлаш туманлараро, туман (шаҳар) судлари раисларининг ваколати ҳисобланиши, шунингдек, Олий суднинг тегишли судлов хайъатлари мажлисларида ишларни кўриб чиқиш учун судлов таркибларини шакллантириш судлов хайъатлари раисларининг ваколати ҳисобланиши ҳақидаги нормаларнинг мавжудлиги судларда ишларни электрон тизимдан фойдаланган ҳолда инсон аралашувисиз, автоматик равишда тақсимлаш тартибини амалиётга тўлиқ жорий этиш имкониятини яратиб беради.

“Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш киритилиб, натижада ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низоларни тезкор ҳал қилишга эришилди. Шунингдек, 2020 йил 1 февралдан бошлаб юридик шахслар томонидан даъво аризаси ва унинг иловаларини жавобгар ҳамда иқтисодий судга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон тарзда юбориш имконияти яратилиши белгиланган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 150-моддасига даъвогар томонидан даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини жавобгарга ва учинчи шахсларга электрон тарзда юбориш имкониятини назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда.

Бунда даъвогар-солиқ тўловчи даъво аризаси ва илова ҳужжатларини судга тақдим этишдан олдин солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали бошқа солиқ тўловчи-жавобгар ва учинчи шахсларга юбориш ҳамда ҳужжатлар юборилганлиги ҳақидаги тасдиқловчи маълумотни кейинчалик судга тақдим этиш учун ахборот тизими орқали юклаб олиш имкониятига эга бўлади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра парламент аъзолари “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, қонун мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жамиятда барқарорлиқни таъминлаш ва ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси, Марказий банки, Бош прокуратураси, Ҳисоб палатаси, шунингдек, Адлия вазирилик томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг 4 та қонунини, 2 та кодексини ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги “Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида”ги 222-й-сонли қарорининг 1-иловасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилашни назарда тутувчи нормалар билан тўлдирилмоқда. Шунингдек, киритилаётган қўшимчаларда Ҳисоб палатаси бюджет ва смета-штар интимиқонини бузганликда айбдор шахсларни белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича Ҳисоб палатаси ваколатларини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазириликнинг Давлат молиявий назорати органларининг мансабдор шахслари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ва уни маъмурий судга юбориш назарда тутилмоқда.

“Сийёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари сийёсий партияларга аъзолигини чеклашни назарда тутадиган қўшимча ва ўзгартиш киритилмоқда.

Қўрсатиладиган микромолиялаш хизматларини ошириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг микромолиялаш хизматларига бўлган ошиб бораётган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, тўлаш қобилиятини яхшилаш ва ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш мақсадида “Микромолиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига муайян суммадан ошмайдиган миқдорда микромолиялаш хизматлари суммасини белгилашни, жумладан, қарз олувчи тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 300 миллион сумдан ошмайдиган суммада микрокредит беришни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига назарда тутилган Ҳисоб палатаси вазирилари, функциялари ва ваколатларини амалга ошириш мақсадида Бюджет кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунини норма билан тўлдирилмоқда. Унда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисларида иштирок этиш, унинг кўриб чиқиши учун масалалар киритиш ва қўрилайтган масала юзасидан фикр билдириш бўйича Ҳисоб палатаси раисининг ваколатларини амалга ошириш белгиланмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Парламент аъзолари томонидан “Халқро хусусий ҳуқуқ бўйича Гага конференцияси Уставини (Гага, 1951 йил 31 октябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирилик томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг топширигини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган ва халқро хусусий ҳуқуқ нормаларини босқичма-босқич бирхиллаштиришга кўмаклашишга қаратилган.

Конференциянинг битта ва ундан ортик сессиясида иштирок этган ва унинг Уставини қабул қилган давлатлар Халқро хусусий ҳуқуқ бўйича Гага конференцияси аъзолари ҳисобланиши таъкидланди. Ўзбекистоннинг Гага конференциясига аъзо бўлиши халқро оилавий ва хусусий ҳуқуқ нормаларини бирхиллаштириш тартиб-таъминлида мамлакат иштирокини таъминлаш, жаҳон стандартларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқ тизимини янада ривожлантириш, давлат фуқаролари ҳуқуқ ва манфаатларини хорижда ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Бундан ташқари, мамлакатимиз Гага конференцияси Кенгашига кириш орқали унинг иш дастурини белгилашда иштирок этиши, Гага конференцияси томонидан кўриб чиқилаётган янги конвенциялар юзасидан музокараларда қатнашиши ва халқро майдонда ўз манфаатларини тарғиб қилиши мумкин.

Қонун мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашишни янада чуқурлаштиришга кўмаклашиши таъкидланди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра Сенат аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитини соғломлаштириш, маҳалла институтини янада кўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини тасдиқлаш масаласини кўриб чиқди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 8-моддасига мувофиқ, вазириликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқаруви бўшқа органларини ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларини тасдиқлаш парламент юқори палатасининг ваколатларига қиради.

Мақзуру Фармонда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оила кўллаб-қувватлаш вазириликни, шунингдек, Қоралпоғистон Республикасини, вилоятлар ва Тошкент шаҳарда вазириликнинг бўлиналарини ташкил этиш назарда тутилганлиги сабабли Фармон парламент аъзолари томонидан кўриб чиқилди.

Бу ҳужжат ижтимоий соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилганлиги ҳамда маҳалла ва оила институтини мустаҳкамлашга кўмаклашиши таъкидланди. Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин Сенат аъзолари Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва ногиронликни аниқлаш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Тегишли хизматларни янада тақомиллаштиришга қаратилган тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш бораида ягона сийёсатни шакллантириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирилик ҳузурида Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги ташкил этилган.

Бироқ олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда камчиликлар ва ечимини кутаётган муаммолар сақланиб қолмоқда. Жумладан, ногиронликни барвақт аниқлаш ва олдини олиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва кўллаб-қувватлашнинг самарали механизми йўлга қўйилмаган. Фуқароларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари тизимли йўлга қўйилмаганлиги оқибатида ногиронлиги бўлган шахслар сони сўнгги уч йилда 9 фоизга ошган.

Ногиронлик профилактикаси, бундай шахсларни тиббий-ижтимоий ва малакавий реабилитация қилиш бўйича яқин, ўрта ёки узок муддатли стратегиянинг мавжуд эмаслиги бундай шахсларни тиббий-ижтимоий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш тизимини яратишга тўсқинлик қилмоқда.

Шу муносабат билан ушбу парламент сўровини йўллаш зарурати пайдо бўлди. Мақзуру масала бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра Сенат аъзолари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирилик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги 2019 йил якуни бўйича ахборотини ошди.

Таъкидланганидек, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси ИИБ томонидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича муайян иш олиб борилди. Утган йилда қабул қилинган қоралар натижасида жиноятларнинг 3139 тага ёки 10,5 фоизга қамайишига эришилди. Республикада маҳаллаликларнинг 33,7 фоизига ёки 3074 таида бирорта ҳам жиноят содир этилмаган. Вояга етмаганлар (830/656) ва хотин-қизлар (3378/2705) бўртасида жиноят содир этиш ҳолатлари қамайган.

Ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган самарали тадбирлар натижасида гиёвандлик, коррупция ва иқтисодий йўналишларга оид қарийб 4,5 мингта жиноят аниқланган.

Шу билан бирга, ўтказилган ўрганишлар ички ишлар органлари фаолиятида муайян камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ва тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини кўрсатди.

Аҳолининг ижтимоий-маънавий муаммоларини аниқлаш ва ҳал этишдаги ишлар етарли даражада ташкил этилмаган, оилалардаги жанжаллар кўп ҳолларда маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторларининг эътиборидан четда қолганлиги оқибатида ўта оғир жиноятлар содир этилиши кенг тус олган.

Бундан ташқари, 2019 йил 2 сентябрда “Хотин-қизларни таъзияк ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлишига қарамастан, ИИВнинг бу борадаги ишларни тартибга солуви бўйири 2020 йил 3 февраль куни қабул қилинган. Шу тўғрисида таъзияк учраган хотин-қизларнинг факатгина 3 нафарига ҳимоя ордери берилган. 142 та қотилликнинг 70 таси (49,2%) эр-хотинлар ўртасида келиб чиққан низолар сабабли содир этилган.

Мақзуру жиноятларнинг аксариятини ўз вақтида олдини олиш чоралари мавжуд бўлса-да, бунга жойлардаги профилактика инспекторлари, тегишли ҳокимлар, сектор раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан етарли эътибор қаратилмаган.

Оғир турмуш шароитида яшайдиган аёлларнинг муаммолари тўлиқ ҳал этилмагандан келинётганлиги оқибатида 5032 нафар аёл жиноят содир этган ва бу жиноятларни содир этиш ҳолатлари Тошкент шаҳри, Тошкент ва Фарғона вилоятларида юқориличига қолган.

Одам савдоси жиноятларининг сони 2012-2019 йиллар давомида олти баробарга қамайишига (574/94) эришилган бўлса-да, ушбу даврда болалар савдоси билан боғлиқ жиноятлар ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, ёшлар билан ишлашда хануз кўллаб муаммолар сақланмоқда. Утган йили республикада қайд этилган ҳар тўртинчи жиноят (11787 та) ёшлар томонидан содир этилган.

Муҳокама давомида сенаторлар томонидан Ички ишлар вазирилик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тақлиф ва тавсиялар билдирилди. Жумладан, профилактика инспекторлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар юзасидан кунлик ахборот алмашилуви қатъий назоратга олиш, шунингдек, жиноят содир этишга олиб келадиган сабабларни мониторинг қилиш ва таҳлил қилиш ишларини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Республиканинг қатор ҳудудларидаги ижобий тажрибалари, жумладан, жиноятчиликни жиловлаш бўйича Андижоннинг “Намунали худуд” концепциясини, хотин-қизлар билан ишлашнинг Бухоро тажрибасини, ёшлар билан ишлашнинг Фарғона тажрибасини бошқа ҳудудларга татбиқ этиш зарурлиги ургу берилди.

Кўриб чиқилган масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазириликнинг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборотини ҳам эшитди.

Таъкидланганидек, ташқи сийёсий алоқаларни янада ривожлантириш бўйича вазирилик томонидан муайян иш олиб борилган. Вазириликнинг бевосита ва фол иштирокида 2019 йилда давлатимиз раҳбари ҳамда хорижий давлатлар ва халқро тўзимлар раҳбарларининг 20 та ташрифи ташкил этилди. Олий даражадаги ташрифлар ва тадбирлар шулар билан бўйича Ўзбекистон Хукумати томонидан хорижий мамлакатлар ва халқро тўзимлар билан ҳамкорликни кенгайтириш бўйича 138 та “Йўл харитаси” қабул қилинди.

Марказий Осиё минтақаси давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида қатор юқори даражадаги тадбирлар, хусусан, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг иккинчи Маслаҳатлашув учрашуви ўтказилди. Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари иштирокида сармомия бизнес-форумлар ўтказилди, потенциал хорижий инвесторларнинг кўллаб ташрифлари амалга оширилди.

Мамлакатимизнинг ташқи сийёсий фаолияти қонунчилигини янада тақомиллаштириш бўйича икки томонлама олий ва юқори даражадаги тадбирлар доирасида 122 та икки томонлама халқро шартнома имзоланди, 28 та кўп томонлама халқро ҳужжат ратификация қилинди.

Шу билан бирга, вазирилик фаолиятида бир қатор жиддий муаммо ва камчиликлар мавжуд. Жумладан, вазирилик ва

Ўзбекистон дипломатик ваколатхоналарининг ахборот-таҳлил фаолияти натижадорлиги ўта сул бўлиб қолмоқда. Ишончли маълумот манбаларининг қамлиги, асосан оммабоп маълумотларга таянган ахборотномаларнинг тайёрланиши ҳар томонлама чўқур ишлаб чиқилган долзарб ташқи сийёсий таъаббус ва тақлифларнинг тақчиллигига олиб келмоқда.

Шунингдек, сўзга чиққанлар томонидан иқтисодий дипломатия самарадорлигининг ўта пастилиги қайд этилди. Вазирилик ҳисоботида кўра республиканинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари томонидан 1200 дан ортик бизнес-форумлар ўтказилди, 3700 дан ортиқ ўзаро ташрифлар амалга оширилди. Аммо уларнинг амалий натижаси деярли йўқ, айрим ҳолларда тадбирлар номига ва самарасиз ўтказилмоқда.

Хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилиш бўйича ҳар томонлама пухта ўйланган аниқ мақсадли режалар ишлаб чиқилишига ханузгача юзаси қаралмоқда. Хорижий мамлакат компанияларининг тақлифларига тегишли ташкилотларнинг жавоб бермаслиги, қайта алоқанинг йўқлиги натижасида лойиҳаларни кўриб чиқиш мuddати чўзилиб кетмоқда. Идораларро ҳамкорликни мувофиқлаштириш масаласи ханузгача тўлиқ ҳал этилмаган. Аёл кадрларни юқори дипломатик лавозимларга тайёрлаш ишлари тизимли йўлга қўйилмаган.

Шу муносабат билан сенаторлар томонидан ва

Мамлакатимизда амалга ошириладиган туб ислохотлар янги босқичга кўтарилмоқда. Бу ислохотлар жараёни эса жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни янада янгилаш, қонун устуворлигини таъминлашда аҳолининг турли қатламларини янада жиқлаштириш заруратини келтириб чиқармоқда. Бу масалада маҳалла институтининг роли муҳимдир.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада кўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарор бугун юзага келган шу эҳтиёжни қондиришга қаратилган.

Ортимизда охириги йилларда гарчи Халқ қабулхоналари ташкил қилиниб, уларга аҳолининг муносабатлари сони ортиб бораётган бўлса-да, уларни юзага келтирадиган муаммоларнинг биргаликда баҳамжихат ўрганиб чиқиши, уни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарадиган органларида муҳожама қилиниши ва лозим бўлса, ҳар бир фуқаронинг ўзи масала кўтариб юрсин деб айрим умумжамоавий масалаларни маҳалла раиси ёки уларнинг бирор бир вакили халқ номидан давлат органларига баён қилиши каби баҳамжихатлик шаклланиши йўқ.

Бунинг асосий сабабларидан бири фуқаролар йиғинларига уларнинг асосий фаолиятига хос бўлмаган ишлар юклатилиб, улар ўз вазифаларидан четлашиб кетаётган ҳолатлар учраётганлигидир.

Ўқорида кайд этилган ҳужжатлар эса айнан ана шу муаммоларнинг бартараф этилиши учун асос бўлиб ҳисобланади. Бу фармон ва қарор машҳур оқуш, чўртанбалик ва қисқичбақа ҳақидаги масалада баён қилинган каби ҳолатнинг олдини олишга олиб келади. Чунки унинг мақсади аҳоли оқшайлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, маҳалла маънавий-ахлоқий ҳоли ҳудудга айланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва мавқеини янада ошириш, уларнинг давлат ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, профилактика инспекторлари билан биргаликдаги фаолиятини самарали ташкил этишдан иборат.

Жамиятда тинчлик ва оқшайликни таъминлаш учун маҳалланинг ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш ўта муҳимдир. Ҳужжатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ва ички ишлар органлари таянч пункти профилактика инспекторларининг роли ва мавқеини янада ошириш, маҳалла тизими ходимлари меҳнатини муносиб баҳолаш, моддий-техника таъминотини яхшилаш

ва улар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масалалари кўзда тутилган.

Ана шу мақсадларни амалга ошириш учун тизимли равишда иш ташкил қилиниши ва бу ўта жиддий кенг қамровли вазифалар нодавлат тизимнинг қўлидан келавермаслиги кундай равшан масаладир. Шунинг учун ҳам уларни давлат органи томонидан амалга оширилиши ва давлат сиёсатининг устувор масаласи бўлиши шарт. Ҳужжатларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилиши айна мударо бўлди.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ФАРМОН ВА ҚАРОРИ ИЖРОСИДА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА ТАЯНАМИЗ

Фармон ва қарорнинг ўзига хос хатларидан бири – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини кўллаб-қувватлаш, маҳалла тизимини ривожлантиришнинг узок, ўрта ва қисқа муқаддатли стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш вазирлигининг асосий вазифаси қилиб белгилангандир. Энди фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига самарали фаолият олиб бориши учун зарур шароитлар яратиш, қонун ҳужжатлари билан берилган ваколатларини амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш аниқ бир давлат тизими – вазирлик томонидан амалга оширилади. Бу дегани, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларида ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг узаро ҳамкорлигини мустақамлаш, халқимиз ибораси билан айтганда – бошини қовуштириш осонлашади.

Барчамизга аёнки, халқимизда ҳали давлат органларига таяниш, давлатнинг таъсирчан чораларига ишониш, давлат бошқаруви механизмидаги фойдаланиш стереотиплари жуда кучли. Шундай экан, бугунги ўта жиддий даврда, халқимизнинг ислохотлардан катта умид кутиб турган вақтда фуқаролар ўзини ўзи

бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, уларнинг аҳоли муаммолари билан ишлаш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги мавқени юксалтириш орқали жамият ва давлат ҳамкорлиги ўрнатилди. Ўйлаймизки ташкил этилган вазирлик айнан ана шу вазифаларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг ҳудудий бўлиммалари тугатилиб, “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти ташкил этилиши, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўми-

таси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, “Нуроний” жамағармаси тугатилиши муносабати билан уларнинг балансидан бўлган бинолар, воситалар ва бошқа моддий-техника қимматликларининг Вазирлик, унинг ҳудудий бўлиммалари балансига, тегишли ҳокимликлар балансига ўтказилиши ҳамда тегишинча маъмур масалалар бўйича вазир ўринбосарлари ва бошқармалар, бўлиммалар ва уларни бошқарувчи мансабдор шахслар лавозимлари киритилаётганлиги ҳам айна мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Чунки, маҳалла-ларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш, ёлғиз кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга моддий кўмаклашиш, ижтимоий кўллаб-қувватлаш таъминлаш масалалари ягона давлат сиёсатини олиб борувчи орган – вазирлик зиммасига юклатилмоқда.

Узок йиллардан буюн ўзимиз яшаб келётган битта маҳалла ёки қишлоқда мавжуд муаммолар гўё табақалаштирилгандек назарга юзага келиб қолди. Масалан, аёллар томонидан жиноят содир этилса, “аёллар жиноятчилиги” деган мантиқсиз термин ишлатилиб, унинг олдини олиш

билан фақат хотин-қизлар кўмитаси, ёшлар ўртасида жиноят содир этилса, муаммолар пайдо бўлса ёшлар иттифоқи ёки илгариги “Камолотчилар” гўёки “шуғуллангандай” бўлиб келишди. Ваҳоланки ҳуқуқ соҳасида “аёллар жиноятчилиги”, “ёшлар жиноятчилиги” деган тушунчалар мавжуд эмас. Жиноят – ким содир этганидан қатъий назар ижтимоий ҳавфи қилмиш. У билан махсус давлат органи – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, масалага яқинроғини айтсак, ички ишлар тизимидан профилактика инспекторлари шуғулланади. Аммо унинг олдини олиш, жиноятни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш, соғлом муҳитни шакллантириш масаласи эса жиноят содир этилмастан олдин шу ҳудудда яшовчи барчанинг, хотин-қизлар, ёшлар, кексалар каби гуруҳларни бирлаштирган ҳолда амалга ошириладиган фаолиятдир. Охириги 20-30 йиллар ичида бу масалаларга мумкин қадар “менга тегишли эмас” қабилида муносабатда бўлиб келдик. Ёши катталар – кексаларга дахлдор муаммолар билан эса ҳеч қандай ваколати бўлмаган “Нуроний” жамағармаси шуғулланиши керак, деган стереотиплар ҳам пайдо бўлди. Бу эса умумманфаат деган тушунчаларимизга, “маҳалла – умумий уйимиз”, ундаги муаммолар ҳам биргаликда, ягона оилада ечилиши кераклиги ҳақидаги қадриятларимизга ҳам путур етишига олиб келди. Натига эса маълум – “оқшув, чўртанбалик ва қисқичбақа” масаланинг ҳаётдаги мисолини яратдик.

Хулоса ўрнида шунини айтмоқчимизки, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси бизнинг бирлашувимиз, миллат сифатида яқдиллик билан бир ёқадан бош чиқаришимизга боғлиқ.

“Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада кўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарор айнан маҳалла, унда яшовчи инсонлар ўз уйларидаги муаммоларни биргаликда бартараф этилишини таъминловчи бир оилга айланганда, деб ишонимиз. Ҳоразм воҳасининг ажойиб бир ибораси бор – “огзибирчилик” бўлган жойда барака бўлади”. Доно халқимиз минг йиллардан буюн ана шундай қадриятларини асраб-авайлаб келмоқда. Президентимиз фармон ва қарори ижросида қадриятларимизга таянамиз.

Шоира УМАРОВА,
Демократия ва инсон ҳуқуқлари
институти директори ўринбосари
ЎЗА

Тошкент тиббиёт академияси мамлакатнинг барча тиббиёт олий таълим муассасалари ичида биринчи бўлиб “Европа тиббиёт мактаблари” уюшмасининг тўлақонли аъзосига айланди.

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФГА САЗОВОР БЎЛДИ

Ушбу йиллар воқеа уюшма вице-президенти, Вильнюс университети (Литва) тиббиёт факультети декани, профессор Алгирдас Уткус ва Вильнюс университети делегациясининг Тошкент тиббиёт академияси билан ташкил этилган кўшма “Таълим форуми”да эълон қилинди.

Форум доирасида ТТАни Европа тиббиёт мактаблари уюшмаси аъзоллигига расман қабул қилинганлиги тўғрисидаги сертификат Тошкент тиббиёт академияси ректори, профессор Лазиз Туйчиевга тантанали тақдим қилинди.

Маълумот учун: Европа тиббиёт мактаблари уюшмаси 1979 йилда Европа тиббиёт мактаблари раҳбарлари уюшмаси сифатида ташкил этилган. Бугунги кунда уюшма тиббий таълимни ривожлантиришда энг муҳим масалаларни ҳал қилиш учун Европадаги энг йирик олий тиббий таълим муассасаларидан биридир.

Шу билан бирга, Уюшма Европадаги бош аккредитация ташкилотлари билан биргаликда тиббий таълим дастурларининг сифати ва Европадаги олий таълим стандартлари ва Жаҳон тиббий таълим федерацияси стандартларига мувофиқлигини баҳолаш лойиҳаларини амалга оширади.

ТТАнинг нуфузли халқаро ташкилот ҳисобланган “Европа тиббиёт мактаблари” уюшмасига аъзо бўлиши Ўзбекистондаги тиббиёт олий таълим муассасаларини халқаро миқёсга кўтариш ва илгор халқаро стандартларга мувофиқ маҳаллий таълим дастурларининг сифатини ошириш йўлидаги амалий қадамлардан биридир.

Тантанали тақдим давомида Литва соғлиқни сақлаш вазирининг форум иштирокчиларига расмий табриги ўқилди, Вильнюс университети ва Тошкент тиббиёт академияси раҳбарияти томонидан тақдиротлар қилинди, шунингдек, ТТА ўқув жараёнини кредит-модул тизимига ўтказиш бўйича ҳамкорлик йўллари муҳокама этилди.

Эслатиб ўтаамиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривож-

лантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини кредит-модул тизимига босқичма-босқич ўтказишга оид чоралар-тадбирлар кўзда тутилган.

Маълумот учун: Вильнюс университети Европадаги энг катта ва қадимий университетлардан биридир. У 1579 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги пайтда университет Европа Иттифоқида тиббий таълим ва илм-фан бўйича етакчилардан бири бўлиб ҳисобланади. Вильнюс университети Болтиқбўйи давлатлари ичида биринчилардан бўлиб ўқув жараёнини кредит-модул тизимига муваффақиятли ўтказиб, ўқув дастурларини Европа стандартларига мослаштиргандир.

Форум якунида Тошкент тиббиёт академияси ва Вильнюс университети ўртасида тиббий таълим сифатини ошириш лойиҳаларини амалга ошириш учун асос бўладиган ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Литва делегациясининг таърифи доирасида бир қатор кўшма ўқув тадбирлар, ТТА ва Вильнюс университети Илмий кенгашининг кўшма мажлиси ҳамда Тошкент тиббиёт академияси ва унинг вилоятлардаги филиалларида талабалар билан учрашувлар, университетнинг етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказилиши режалаштирилган.

Бундай ҳамкорлиқни амалга ошириш, тиббий таълим сифатини ҳар томонлама яхшилашга қаратилган биринчи амалий қадамлардан бири бўлиб, Тошкент тиббиёт академиясининг Европа тиббиёт мактаблари уюшмасига аъзо бўлиши эса Ўзбекистондаги барча тиббиёт олий таълим муассасаларининг халқаро интеграцияси ва тиббий таълимни халқаро даражага олиб чиқишда амалий ёрдам беради.

Сухроб НОРКУЛОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор,
Кутбиддин НИЗОМОВ,
ТТА катта ўқитувчиси

КЕЛГУСИДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНИБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Устаида тармоқ ташкилотларида ҳисобот сайловлар ҳар 5 йилда бир марта ўтказилиши белгиланган.

Шу билан бирга касаба уюшма органлари 5 йил муддатга сайланиши белгилаб берилган. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгаши Раёсатининг 2019 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида”ги қароридан белгилаб қўйилгандек бошланғич касаба уюшма ташкилотларида февраль-март ойларида ўтказилиши режалаштирилган.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Сергели туман кенгашининг тумандаги 266-мактабда иш

берувчи ҳамда мактаб касаба уюшма кўмитаси ўртасида 2018–2020 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2019 йилдаги ижроси юзасидан ҳисоботи ва касаба уюшма кўмитасининг 2015–2020 йилларда олиб борган фаолияти юзасидан ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчиси А.Раҳмонов, туман кенгаши раиси Ф.Ражабова ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари иштирок этди. Ҳисобот-сайлов йиғи-

лиши намунавий тарзда ташкил этилган бўлиб, 266-мактаб касаба уюшма кўмитаси ўз иш фаолиятини слайдлар орқали намойиш қилишди. Тадбир якунида туман кенгаши раиси Ф.Ражабова ҳамда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчиси А.Раҳмонов билан савол-жавоблар бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган масалаларни ҳазирдан жавоблар олишди. Келгусидаги вазифалар белгиланиб олинди.

Зиёда РАСУЛОВА

ЭНГ ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Ёш ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва интеллектуал салоҳиятини намойён этишга имкониятлар яратиш мақсадида Адлия вазирлиги тасарруфидаги юридик коллежлари ўртасида “Энг иқтидорли ўқувчи” кўрик-танлови ташкил этилди.

Тошкент давлат юридик университетидан ўтказилган кўрик-танловда сўз олган адлия вазири ўринбосари, Тошкент давлат юридик университети ректори Р.Ҳакимов мамлакатимизда навқирон авлодга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, буни уларнинг чуқур билим олиши, ўзлари танланган касбада иқтидор ва қобилиятини намойиш этишига яратилаётган имкониятларда ҳам кўриши мумкинлиги, юридик коллежи ёшларининг ҳам дахлдорлик ҳисси, англолик-ка интилувчанлиги, ташаббускорлиги, яратувчанлик иштиёқи, ўзгариб бораётган давр талабларига ҳозиржавоблиги ошаётганини таъкидлаб ўтди.

Кўрик-танлов голибини аниқлашда асосан

иштирокчиларнинг фанларни ўзлаштириш даражаси, етакчилик қобилияти, эришган ютуқлари ва жамоат ишларидаги фаоллиги, ўқувчининг нашр этилган илмий-услубий, ижодий ишлари, грант ва конференцияларда иштироки ҳақидаги маълумотларга алоҳида эътибор қаратилди.

Натижаларга кўра, голиблар аниқланди. Танлов голибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Коллежнинг энг иқтидорли ўқувчисини аниқлаш ва муносиб тақдирлаш мақсадида ташкил этилган бу каби танловлар ўйлаймизки ёшларни янада ўз устида ишлаш, китоб ўқишга ундайди.

Зарина РУСТАМОВА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сурхондарё вилояти бўйича бошқармаси ходимлари, Термиз шаҳридаги 9-ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари воҳа марказида яшайдиган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт орти меҳнат фахрийлари хонадонидан бўлиб, ҳолидан хабар олди. Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги олди-дан ташкил этилган тадбирда Шерали бобо Ҳайдаровнинг жасоратга йўғрилган хотиралари ҳарбийларнинг жасорат ва матонат, қасамёдига содқлик туйғуси, ўқувчи-ёшларнинг Ватанга муҳаббат, кекса авлод вакилларига ҳурмат ва юртга садоқат ҳиссини юксалтирди.**

● **Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалида “Ҳоким ва ёшлар” учрашуви бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими Шухратбек Абдурахмонов ёшларнинг янада фаол бўлиши лозимлигига эътибор қаратиб, ўқиб-изланиш, ташаббус кўрсатишга чорлади. Уларнинг ташаббуси, албатта, кўллаб-қувватланишини билдирди. Дастлаб вилоят ҳокими ёш олимлар ва талабаларнинг инновацион гоъя, ташаббус ва технологиялари кўрғазмаси билан танишди. Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги ана шу технологияларни амалиётга татбиқ этиш, уларнинг иқтисодий самарадорлиги ва афзалликларини ҳақида ёшлар билан суҳбатлашди.**

● **Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳри ва Денов туманида “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексидан фойдаланиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қошидаги Ягона миллий меҳнат тизими идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш дирекцияси томонидан ташкил этилган тадбирда давлат ва хусусий ташкилот, корхона, муассасалар раҳбарлари, ходимлар билан ишлаш ва ахборотлаштириш бўйича масъуллари иштирок этди. Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида ягона миллий меҳнат тизимининг жорий этилаётгани ҳам мамлакатимизда бошқарувни рақамли технологияларга асослантиришга қаратилаётган юксак эътибор самараси экани таъкидланди.**

ЖАҲОНДА

● **Глобал муаммога айланган коронавирус фақатгина ҳаво-томчи йўли орқали ёки вирус юқтирган киши билан контакт туфайлигина юқмас экан. Хитой Соғлиқни сақлаш миллий комиссиясидан маълум қилинишича, смартфон ҳам унинг ташувчиси бўлиши мумкин. Шу боисдан мутахассислар хитойликларга смартфонни дезинфекция қилиш йўллари тавсия этишди. Коронавирус хавфи буткул бартараф бўлиши учун уни 56 даражали ҳароратда ярим соат қолдириш керак экан. Бундан ташқари, Цзилинь университети биринчи шифохонаси умумий тиббиёт бўлими бош шифокори Инь Хунмэй яна бир йўлини айтган. Унга кўра, қурилмаларни коронавирусдан холи қилиш учун 75 фоизлик спирт билан ҳам артса бўлар экан.**

● **Америкалик машҳур кўшиқчи, ҳозирда мархум Уитни Ҳюстоннинг энг яхши кўшиқлари ўрин олган го-лограмма тарзидаги концертларининг Европа мамлакатлари бўйлаб ташкил этилиши бошланди. Дастлабки концерт Шейффилд шаҳрида бўлиб ўтди. Мухлислар ушбу ғайритабиий концертга ҳар хил муносабат билдирмоқдалар.**

ИСТЕЪДОДЛИ ҚИЗЛАРГА ҚАНОТ

Бу йил Зулфия Исроилованинг таваллуд топганига 105 йил тўлди. Шу муносабат билан жойларда тадбирлар кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда аёлга бўлган ҳурмат эҳтиром кўрсатиш, ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялаш, баркамол оқила хотин-қизлар авлодини вояга етказиш, иқтидорли ёшларни адабиёт, санъат фан ва маданият йўналиши бўйича мукофотлаш, истеъдодга эга бўлган ёшларга кенг йўл очиб берилган.

Ҳар йили ўтказиладиган “Зулфия” номидаги танловда 90-мактаб ўқувчиси Кийишжон Олломова ҳам ўз истеъдоди билан туман, шаҳар босқичларида муваффақиятга эришиб, республика босқичига чиқди. “Зулфия ижоди ўқувчи қизлар талқинида” номли тадбир ҳам шу мақсадда ўтказилди. Унда Зулфия қаламига мансуб бўлган шеърлар сахнада ўқувчилар томонидан ўқилди. Зулфиянинг “Хотирам синиқлари” асаридан ҳам парча кўринишлар қилинди. Мактабимиз раҳбари Марҳамат Аҳмедова истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш муҳимлиги, бу борада республикамизда амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтди. Мактабимизнинг “Зулфия қизлар клуби” аъзоси Кийишжон Олломовани фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирлади. Мактабимизда шундай истеъдодли, зукко, доно, ташаббускор ўқувчи қизларимиз сафи янада кўпайишни таъкидлаб ўтди.

Истеъдодли, оқила қизларимизнинг сафи янада кенгайишида бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта.

Феруза ХАСАНОВА

МАДАНИЙ ТАДБИР

Шу кунларда Ўзбекистон “Адолат” СДП партияси ташкил топганлигининг чорак асрлик юбилейи барча жойларда кенг нишонланмоқда. Ўтган давр мобайнида халқ ишончини қозониб, ўзининг халқчил ва устувор ғояларини амалий ҳаётда акс эттирган партия бугун юбилей ёшни қарши олмоқда.

Шу муносабат билан “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ҳам партия 25 йиллиги байрам тадбирлари ўтказилмоқда. Кун кеча Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутаты Ташпўлат Матибаев етакчилигида Халқлар дўстлиги саройида бўлиб ўтган концерт дастури ҳам ўзбек билан қозоқ халқи биродарлигининг ҳақиқий инъикоси сифатида акс этди. “Чимкент шоу” деб номланган концерт дастурига Қозғистон Республикаси Чимкент вилоятидан бир қанча давлат арбоблари, танлиқ санъаткорлар ташриф буюрди. Тантанали кечдан тадбирда партиянинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги ўрнига ҳам тўхталиб ўтилди.

Концерт давомида қизқарлик шоулар ҳам ташкил этилиб, томошбинларга хуш кайфият бағишлади. Шунингдек, қозоқ ва ўзбек халқларининг дўстлик ва ҳамкорлигини кучайтиришда фаоллик кўрсатган бир гуруҳ давлат намоёндаларига ташаккурнома ва орденлар топширилди. Депутат Ташпўлат Матибаев эса Халқроқ психологик фанлар академияси томонидан психология фанларига қўшган ҳиссаси ва хизматлари учун юксак ордени билан тақдирланди.

“Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши Матбуот хизмати

СИФАТИ КАФОЛАТЛАНМАГАН МАҲСУЛОТЛАР

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси “Келес” темир йўл чегара божхона пости ходимлари томонидан тамаки ва сифати кафолатланмаган озиқ-овқат маҳсулотлари, тиббиёт буюмлари ҳамда товар-моддий бойликларни ноқонуний йўллар билан олиб киришга бўлган уринишлар ўз вақтида фош этилди.

Жумладан, қўшни давлатдан кириб келган поезд йўловчиларининг юклари белгиланган тартибда божхона назоратидан ўтказиш вақтида йўловчи фуқаро К.Р. умумий қиймати 6 миллион сўмлик 300 қути тамаки маҳсулотларини вагон ўриндиқлари остига яшириб олиб келаётганлиги аниқланди.

Шунга ўхшаш яна бир ҳолатда, мазкур поезд йўловчилари қўшни давлат фуқарolari E.C. ва A.E.лар 1981 дона турли хил хўжалик товарлари, ювиш воситалари ҳамда салкам 150 килограмм оғирликдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ҳамда 189 дона буюмларини вагон ўриндиқлари остига яшириб олиб келаётганлиги аниқланди.

Аниқланган товарларнинг

умумий қиймати салкам 41 миллион сўмни ташкил қилди. Шунингдек, “Москва-Андижон” халқаро йўловчи поезди йўловчиларининг қўл юклари фуқаро К.Р. умумий қиймати 6 миллион сўмлик 83 дона тилла ва кумушдан ишланган заргарлик буюмлари ҳамда қўл соатларини вагон ўриндиқлари остига яшириб олиб келаётганлиги аниқланди.

Мазкур поезднинг яна бир йўловчиси фуқаро М.П. эса умумий қиймати 24,2 миллион сўмлик 1341 дона турли хил тиббиёт буюмларини вагоннинг хуффия жойларига божхона назоратидан яшириб олиб келаётганлиги фош бўлди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар бўйича божхона органлари томонидан суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари юртимизга олиб кириладиган товар-моддий бойликларни божхона назоратидан яшириб, божхона расмийлаштирувга тақдим этилган ҳужжатларга маълумотларни нотўғри киритиш билан боғлиқ навбатдаги қонунбузилиш ҳолатларини фош этишди.

ТЎЛОВЛАРДАН БЎЙИН ТОВЛАШГА БЎЛГАН УРИНИШ ФОШ БЎЛДИ

Жумладан, “Тошкент-товар” ташки иқтисодий фаолият божхона постида аниқланган қонунбузарлик ҳолатида хориждан келтирилган электр кучланишини аниқловчи синов курилмаларини ҳужжатларда оддий “отвертка” сифатида қайд этилганлиги фош этилди.

Натижада умумий қиймати 180 млн. сўмлик, 34 минг дона электр кучланишини аниқловчи синов курилмаларининг ноқонуний олиб кирилишига чек қўйилди.

Шунингдек, мазкур пост ходимлари томонидан учта корхона номига хориждан темир йўл контейнерларида келган юклари божхона назоратидан ўтказиш давомида божхона юк декларациясида ҳамда юк кузатув ҳужжатларида кўрсатилганидан ортиқча 23,3 миллион сўмлик 363 дона спорт анжумлари борлигини фош қилишди.

“Чукурсой” ташки иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан хориждан темир йўл контейнерларида тўртта корхона номига келган юклар божхона назоратидан ўтказилганида умумий қиймати 1 миллиард 282 миллион

“Иккиқатламли декоратив плёнка” ҳамда 28 минг 500 дона “LED модуллари” товарлари борлиги аниқланди. Аниқланган товарларнинг умумий қиймати 158,8 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Яна бир шунга ўхшаш ҳолатда “Арк булок” ташки иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари хориждан келтирилган товарларнинг умумий қиймати 82 тонна полэтилен грануллари борлиги аниқланди.

“Сирғали” ташки иқтисодий фаолият божхона постида аниқланган ҳолатда эса божхона назоратига тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилганидан ортиқча умумий қиймати 8 миллион сўмлик “Гофрли картон қоғозларни пресслаш ускунаси” товари борлиги аниқланди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона органлари томонидан суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати

Реклама ва эълонлар

ALOQABUSINESS

Мобил илова орқали комплекс хизмат кўрсатиши

МОБИЛ ДАСТУРНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ:

- Бир нечта ташкилот**
Бир вақтнинг ўзида бир нечта ташкилотларни улаш имконияти.
- Онлайн депозит**
Бўш маблағларни банкка келмасдан илова орқали депозитга жойлаштириш.
- Таъсисчи, директор, бухгалтер**
Иловада роль танлаш имконияти
- Кредит мониторинги**
Кредит қолдиқлари, тўловлари ва бизнес-режа бажарилишини кузатиб бориш.
- Бюджетга тўлов топшириқномалари**
Барча турдаги тўлов топшириқномаларини яратиш, шу жумладан бюджет ташкилотларга ҳам.
- Корпоратив картани тўлдириш**
Корпоратив карта рақамини киритмасдан мавжуд бўлган рўйхат орқали тўлдириш.

Google Play | App Store

ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристарлар малакасини ошириш марказида “Ўзбекистонда янги авлод кадрлари малакасини ошириш тизимининг назарий ва амалий муаммолари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирнинг асосий мақсади — Президентимизнинг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида кадрлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, хориждаги малака ошириш муассасалари фаолиятидаги илгор тажрибаларни ўрганиш, тизимдаги мавжуд муаммоларни ечими юзасидан фикр алмашишдан иборатдир.

Давлатимиз раҳбарининг парламентага йўллаган Мурожаатномасида “Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантириш мақсадида жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эришиш мумкин. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялаш зарур” дея билдирган фикрлари давра суҳбатининг асосий йўналишини ташкил қилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Р.Маҳмудова, Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ.Бурханов, Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Б.Матмуратов ҳамда кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга масъул бўлган — Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби, Халқ таълими вазирлиги, А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Малака ошириш маркази, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар раҳбарлари ва масъуллари қатнашди.

Мурожаатномада кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унда илм-фан ютуқларининг электрон платформаси, махаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш, ҳар бир олий таълим ва илмий-тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши шартлиги, “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан 700 дан зиёд олимлар, профессор-ўқитувчилар чет элга илмий изланиш ва малака ошириш учун юборилиши қўзда тутилган.

Бугунги кунда юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда Юристарлар малакасини ошириш маркази алоҳида ўринга эга. Хусусан, 1997–2019 йилларда Марказда 30 мингдан ортиқ тинловчи қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқитилган. 2000–2005 йилларда йилга ўртача 600 дан 800 нафаргача тинловчи малака оширган бўлса, ўтган 2019 йилда эса бу кўрсаткич 4000 нафардан ортиқ тинловчининг ташкил этди.

2020 йилдан нотариусларнинг малака ошириш курслари ўқув жараёнига ўқитишнинг замонавий шакли ва технологиялари, жумладан, масофавий таълим шакли ҳам жорий этилди. Бошқа соҳа мутахассисларининг ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича қатор янги курслар ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар кенг қамровли ва жадал ислохотлар амалга оширилаётган шароитда қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини ривожланган давлатлар даражасига кўтариш муҳим масала эканлигини қайд этишди. Шунингдек, бу жараёнда тегишли малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларининг ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, ўқитишнинг янги услуб ва шакллари жорий этиш, замонавий адабиётлар яратиш, қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг долзарб муаммоларини аниқлаш ва ечимини топишга қаратилган илмий анжуманларни мунтазам ўтказиб туриш самарали натижалар бериши мумкинлигини алоҳида таъкидланди.

Хулоса ва таклифлар муҳокама қилиниб, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбир якунида республикамизнинг юридик таълим, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари ҳамда буюртмачи ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Хонбиби МАҲАМОВА

Реклама ва эълонлар

“Султон шарбат” МЧЖ агрофирмасига Тожикистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан 2019 йил учун берилган Р-3№0003258 сонли уч томонлама рухсатнома йўқолган. Топиб олганлар бўлса +998902479119, +998935780088 телефон рақамларига қўнғироқ қилишларини сўраймиз. Суюнчиси бор.

Сергеи политехника касб-хўнар коллежи томонидан 2017 йилда Қўбилов Охунжон Махмадолой ўғли номига берилган К № 5759345 рақамли (2776-рўйхат рақамли) диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“ECO CRYSTAL” масъулияти чекланган жамият таркибидан “ECO CRYSTAL CO” масъулияти чекланган жамиятининг ажралиб чиқиши сабабли унинг дебитор-кредитор қарзларини “ECO CRYSTAL CO” масъулияти чекланган жамияти ўз зиммасига олади. Давлолат 1 ой мuddат ичида Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 293-уй манзилида қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: 99 642-43-43.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2013 йил 5 июлда 593-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган “LABOR OMNIA VINCI” Адвокатлик бюроси таъсисчилигини 2020 йил 25 февралдаги қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ**

Давлолат элон чиқан кундан бошлаб 2 ой давомида қўйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус 1-тор кўчаси, 5-уй. Тел: 91 192-12-21.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 3 март кунини ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмади. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 7-9 даража, кундузи — 16-18 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 3 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шайхон ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифосланиш даражаси паст бўлади.